



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 октябр кунги 495-сонли хатингиз асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Қувасой шаҳар Арсиф МФЙ ҳудудида яшовчи 1200 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Қувасой шаҳар Арсиф МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 220 м³ ҳисобланиб, уланиш нуқтаси: Арсиф МФЙ ҳудудидаги мавжуд 1 дона сув иншоотини реконструкция қилиш, 1 дона замонавий 1-босқич (WILO) сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш ҳамда Арсиф МФЙ ҳудудига лойиха асосида 3,5 км Д-110 ммли ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ Қувасой шаҳар бўлими бош муҳандиси билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Қувасой шаҳар бўлими бошлиғи:

А.Абдубоқиев

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Қувасой шаҳар бўлими бош муҳандиси:

Н.Шайпов

Баж: ИЧБ
А.Ходихужаев